O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 1 февраль, № 21 (3566) Сешанба


### «Намунали милиция таянч пункти»:

# ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ



***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан профилактика хизматини янада самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тизимда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови мазкур хизматда қўлга киритилган илғор тажрибани кенг тарғиб қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

***2004 йили бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган мазкур кўрик-танлов пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида якунига етди.***

Унда сўзга чиққан ички ишлар вазири ўринбосари З.Бобокалонов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ишлар фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, миллий ғурур ва халқимизга хос меҳр-мурувват туйғуларини ёшлар қалбига сингдириш, ёш авлодни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда муҳим аҳамият касб этди. Сиҳат-саломатлик йилида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаяди.

Юртбошимизнинг ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини саналган милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, аҳоли билан ишлашга билим, тажриба, ақл-идроки етадиган жонкуяр инспекторлар бўлишига алоҳида эътибор қаратишга оид кўрсатмаларига қатъий амал қилинмоқда.

Айни пайтда жойларда уч минг тўрт юздан зиёд милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб икки ярим минги атрофида турли хил тўгарак, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилган.

Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, эл-юрт тинчлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда профилактика инспекторлари билан бирга маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Милиция таянч пунктларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Бундай ҳамкорлик самараси ўлароқ 2004 йилда мамлакатимиздаги қарийб 1 минг 600 маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Танловда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани "Эски шаҳар" маҳалласидаги 190-милиция таянч пункти, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани "Деҳқончек" маҳалласидаги 171-милиция таянч пункти, Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳри "Ҳақиқат" маҳалласидаги 14-милиция таянч пункти, Навоий вилояти Зарафшон шаҳри "Геолог" маҳалласидаги 21-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиб милиция таянч пунктларига "Дамас" автомашиналари тақдим этилди.

"Жасоратли профилактика инспектори", "Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган энг фаол профилактика инспектори", "Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича энг фаол профилактика инспектори", "Жиноятчиликка қарши курашда энг фаол маҳалла оқсоқоли" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



**СУРАТЛАРДА:** тақдирланган ғолиблар; Навоий вилоятидаги 21-милиция таянч пункти профилактика нозири Алишер Қодиров.

*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

***Ўтган ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари икки палатали парламент дастлабки мажлисларини ўтказди. Аввалига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари алоҳида мажлисларда илк ташкилий масалаларни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзлаб, янги сайланган халқ вакилларига самарали фаолият тилади, қонун ижодкорлиги борасида устувор вазифалар хусусида фикр билдирди.***

# ПАРЛАМЕНТ – ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

*Мушоҳада*

Дарҳақиқат, шу пайтгача халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритиб келган, депутатлик учун курашнинг қизғин жараёнини бошдан кечирган, муқобил сайловларда халқ ишончини қозонган парламент аъзолари учун илк қадам қўйилаётган паллада Юртбошимиз томонидан билдирилган истаклар жуда-жуда керак эди. Ўзбекистоннинг фахру ғурури рамзи бўлган парламент залининг ўзига хос шукуҳи бор. Ана шу кошонада ишлайдиган, доимий фаолият билан банд бўлган депутатлар, аввало, мамлакат манфаатини кўнгилда тутишлари муҳимдир. Президент таъбирича, ҳар бир депутат ўз қадр-қимматини англаши, миллатимизга хос меҳр-оқибат намуналарини намоён этиши, ўзини қандай халққа мансуб эканлигини ҳамиша ёдда тутиши айни муддаодир.

Демократиянинг ҳал қилувчи шарти кўппартиявийликдир. Партиялар халқ хоҳиш-иродасини, ўй ва орзуларини, ҳаётий муаммолар ечимини ўз нуқтаи назарида ифодаловчи сиёсий кучдир. Шўро давридаги танҳо фикр ҳукмронлиги замони аллақачон ўтмишга айланди. Партияларнинг салоҳияти, халқ олдида қанчалик ишонч қозонганлиги якунланган сайлов натижаларида кўринди. Президент демократия — бу сайлов, сайлов — бу демократия, деган фикрни алоҳида уқтирди. Айнан сайловда партиялар амалий таклифларни ишонарли баён этса, ислоҳотлар йўлида қандай ғояларга таянишини англата билса, яхши натижаларга эришади. Ҳаётимизнинг энг долзарб масалалари бўйича партиялар ўз таклифларини айтиши керак.

Жамият қандай бўлса, парламент таркиби ҳам шундай бўлиши керак. Бунда нафақат депутатларнинг касбий фаолият турлари, балки тафаккур даражаси ҳам назарда тутилади. Депутатлар Президент нутқидан келгусида бажаришлари лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдилар.

28 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасидаги асосий вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Қонунда кўзда тутилганидек, айнан давлат раҳбари ижтимоий ҳаётда муҳим воқеа саналмиш масалада маъруза қилганда иккала палатанинг қўшма мажлиси тўпланади. Президентимиз бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили эканлигини таъкидлади. Шу маънода нафақат депутат ва сенаторлар, барча фуқаролар ҳозир жамиятимиз ривожланишнинг қайси жараёнини бошдан кечираётганлигини англаб олиши муҳимдир. Биз инсониятнинг энг илғор қисми танлаган йўлга ўтиб бормоқдамиз. Шундай экан, эски замондаги маъмурий-буйруқбозлик усулларидан мутлақо воз кечиб, демократик тамойилларга таянишимиз керак. Бу борада нодавлат ташкилотларнинг кенг кўлам касб этиши табиий жараён сифатида қабул қилиниши лозим. Айнан нодавлат ташкилотлар эртанги кунимизнинг асосий бўғини бўлиб, давлат тизимини жамоатчилик назоратига олади.

Эндиликда давлат идоралари, хусусан ҳокимликлар қабул қилган қарорларини халқ олдида асослаб беришлари, демакки, ишонтиришлари керак. Бунинг учун халқ билан гаплаша билиш зарур. Айрим қарорлар, бир қарашда, халққа манзур бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин узоқ, давомли мақсадларга эришишимиз учун белимизни қаттиқроқ боғлашимиз зарурлигини аҳолига тушунтиришга тўғри келади.

Одамлар онгидаги ўзгаришлар кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиздир. Бугунги кунда жамики саъй-ҳаракатларимиз марказида инсон манфаатлари бош омил бўлаётир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўз вазифаларига муносабат борасида эскича қарашлардан халос бўлишлари зарур. Фақат жазолаш эмас, одамлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уларнинг асосий вазифасидир.

Шундай қилиб, икки палатали парламент илк қадамларини қўйди. Депутатлар ва сенаторлар аниқ вазифаларни белгилаб олишди. Президент маърузаси ижро учун дастур сифатида қабул қилинди. Албатта, ҳар иккала палата ҳам мутлақо янги шаклдаги фаолиятни ўзлаштириш йўлидан боради. Фуқаролик жамиятини қуриш асносида Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлигини кўзловчи миллий ғоя йўлчи юлдуз вазифасини ўташи янги поғоналарга қадам қўйишимизда муҳим омил бўлажак.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

Хабарлар оқимидан

### Ҳамкорлик истиқболлари

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида умумий миқдори 976 миллион иенага тенг "Самарқанд — Ғузор — Термиз" автомобиль йўлини таъмирлаш лойиҳаси доирасида алмашинув шартномаси тузилди. Йўл қурилиш техникаси ҳамда асбоб-ускуналар етказиб бериш кўзда тутилган ушбу шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини янги босқичга кўтариши, қолаверса, минтақанинг транспорт-коммуникация тизимини янада ривожлантириши шубҳасиздир.

**Б.ҒОФУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Табиий офат қурбонлари хотирасига бағишланди

Ўзбекистон давлат консерваторияси катта концерт залида Жануби-Шарқий Осиёда содир бўлган цунами қурбонлари хотирасига бағишлаб хайрия концерти бўлиб ўтди. Дастур Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Қизил Ярим ой жамияти ва Ўзбекистон давлат консерваторияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Индонезиянинг мамлакатимиздаги элчиси Ҳошим Солиҳ Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ва халқига табиий офатдан азият чекканларга кўрсатилган гуманитар ёрдам учун миннатдорлик изҳор қилди.

Концерт дастурида республика санъат усталари иштирок этишди.

**"Жаҳон" АА.**

## Янги қўшма корхона

"Туркистон-пресс" мухбирининг хабар беришича, Бухорода жорий йилнинг февраль ойида калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Пешкутекс" Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси ишга тушади.

— Корхонада Швейцариянинг "Ритер" фирмасидан келтирилган тўқув ускуналарини ўрнатиш ишлари охирлаб қолди, — дейди қўшма корхона бош директори Шароф Омонов. – Мазкур ускуналарни сотиб олиш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан уч миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Замонавий ускуналар йилига 2 минг 500 тонна калава ип ишлаб чиқариш имконини беради.

## Фахрийлар бирлашди

Умрининг энг қайноқ дамларини ёшларга билим беришга, ҳунар ўргатишга бағишлаган устозларимизни ҳар қанча эъзозласак, бошимизга кўтарсак оз. Андижон вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ана шу эзгу мақсадлар йўлида Фахрийлар кенгаши тузилди.

— Кўп устозлар, фидойи мураббийлар нафақага чиққач, ўз уйига «михланиб» қолган экан, — деди кенгаш раиси Баҳодиржон Султонқулов биз билан суҳбатда. — Ҳозирча 500 нафарга яқин фахрийни рўйхатга олдик. Устоз-мураббийларнинг узоқ йиллик бой тажрибаси, маҳоратидан фойдаланишга киришдик. Шу билан бирга, бошқарма раҳбарияти кўмагида фахрийларимизни мамлакатнинг энг яхши сиҳатгоҳларига юборишни режалаштирмоқдамиз.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Аввал хабар берганимиздек, 29-30 январь кунлари Грециянинг Салоники шаҳридаги "Амедио" спорт мажмуасида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов халқаро турнири бўлиб ўтди.***

## Европада ўзбек кураши тантанаси

Мукофот жамғармаси 10 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур халқаро турнирда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакати полвонлари мутлақ вазн тоифасида ғолиблик учун баҳс юритдилар. Дастлаб ҳакамлар учун кураш қоидалари бўйича кўргазмали семинар ташкиллаштирилди. Турнирнинг тантанали очилиш маросимида Салоники шаҳри расмий вакиллари, Ўзбекистоннинг Грециядаги Бош консули Одил Саидкаримов, Греция кураш федерацияси президенти Мераб Ильядислар сўзга чиқиб, Халқаро Кураш Ассоциацияси фахрий президенти, Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек кураши нафақат миллатимизнинг, балки етмишдан ортиқ дунё халқларининг севимли спорт турига айланганини таъкидладилар. Илк бор ташкиллаштирилган ушбу мусобақа анъанавий бўлиб қолишига ва ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари қаторидан жой олишига умид билдирдилар.

Шундан сўнг муҳташам спорт кошонасини тўлдириб ўтирган уч минг нафардан зиёд томошабин муросасиз беллашувлар гувоҳи бўлишди. Мусобақа финалида грециялик кураш бўйича нуфузли турнирлар ғолиби, дзюдо бўйича Олимпиада чемпиони Илья Ильядис биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳамюртимиз Абдулла Тангриев иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин арманистонлик Арен Симонян ва грециялик Ильядис Леонидисга насиб этди.

— Халқимизнинг азалий қадрияти — ўзбек кураши жаҳон ҳамжамиятида ўзбекнинг ўз ўрни борлигини яна бир бор исботлади,— дейди Ўзбекистон миллий кураш федерацияси бош котиби Алишер Эшонқулов. — Мусобақага Грециядаги қатор оммавий ахборот воситалари катта қизиқиш билдирдилар. Мусобақа жараёни ҳақида бевосита мулоқотлар уюштирилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Фермерни ким тушунади?

**«Бугун қишлоқда асосий куч сифатида майдонга чиқаётган фермерлик ҳаракати йўлида Сурхондарё вилоятида ҳалигача турли ғов-тўсиқлар сақланиб қолмоқда».**

Президентимизнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига амалий ёрдам бермаслик оқибатида уларнинг хўжалик судларига ариза ва шикоятлари олдинги йилдагидан 75 тага кўпайган.

Вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Баҳриддин Ғаффоровнинг айтишича, бошқармага фермерлардан тушган ариза ва шикоятлар 2004 йилда 150 тага етибди. Бу 2003 йилдагидан 50 та кўп, демакдир.

Бировнинг устидан расмий идорага шикоят, арз билан мурожаат қилиш шунчаки эрмак ё ҳавас иш эмас. Пичоқ суякка қадалгач, фермер минг бир иши хаёлига сиғмай, қўлига қалам олади.

Термиз туманидан, мана, бир мисол. «Норхол» фермер хўжалигининг бошлиғи Ўроқ Давлатов биров билан иши бўлмаган, ўз юмушию ўз йўлини топиб юрган одам эди. Эси-хаёли яхши ишлаб, ўзи қўл қўйиб берган шартнома шартларини ёруғ юз билан бажариш эди. Шундай бўлди ҳам. «Термизпахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига 108 тонна, жумладан, 60 тонна уруғлик пахта сотди. Шартнома режасини бажарди. Кўнглини тоғдай кўтарадиган даромад кўрадиган бўлди. «Ҳалол меҳнат қилиб, бой бўлдим. Энди дастим узун-у, тилим бурро. Фермер хўжалигимнинг қувватига қувват қўшаман», деган хаёлларга борди. Режаларини пишитди.

*Бугуннинг гапи*

Лекин... унинг ўйлаганлари ҳолва экан. Лизинг учун 3 миллион, иш ҳақига 550 минг, «Қишлоқхўжаликкимё» таъминоти идорасига 700 минг сўм қарзларини тўлайман деб, қарасаки, 2003 йили корхонага сотган ўша 108 тонна пахтанинг пули, шартномада белгиланган муддатдан 3-4 ой ўтган бўлса-да, ҳисоб рақамига келиб тушмабди. У заводга бориб, пулини беришларини сўради. Ўзининг қонуний ҳақини ундириб олмоқ учун илтимослар қилди. Илтижолар қилди. Наф бўлмагач, ахийри давлат идораларидан нажот сўраб, арзу шикоятлар битди.

Андишаю илтимослар кор қилмай, ўз ҳақини хўжалик суди орқали ундириб олган ёки олаётган «Норхол» сингари фермер хўжаликлари оз эмас. Термиз туманидаги «Хуршида», «Нодир», Олтинсой туманидаги «Аюбхўжа»... Бу фермер хўжаликлари раҳбарларининг фикрича, давлат идорасига ариза-шикоят ёзганингдан сўнг ҳам масала хамирдан қил суғургандай силлиқ ҳал бўлаверса қанийди? Ҳужжат тахлайсан. Судга қатнайсан. Майда-чуйда расмиятчиликларга чидайсан. Натижада ҳақимни-ҳуқуқимни ҳимоя қиламан деб ишдан қолиб кетасан. Асабларинг толиқади. Шартнома шартларини бажаришни пайсалга солган амалдорга, виждонинг борми, деб ҳайқиргинг келади.

Ҳали-ку, Давлатовга ўхшаганлар чопа-чоп қилиб ҳақларини уч-тўрт ойда ундириб олишибди. Лекин ариза кўтариб идорама-идора чопаверганларидан пойабзалларининг пошналари адо бўлиб кетганлари йўқ эмас экан.

(Давоми 2-бетда).

### Элчихона совғаси

**Самарқанд Давлат чет тиллар институтида янги ахборот технологиялари маркази очилди. Марказга Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 20 дона компьютер ва катта экранли телевизор совға қилинди. Шунингдек, корейс филологияси факультетига мазкур давлат тарихи, урф-одатлари акс этган китоблар ва ўқув қўлланмалари ҳам тақдим этилди.**

**Марказ очилиш маросимида Жанубий Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси жаноб Мун Хаёнг сўзга чиқиб, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳақида тўхталди ва талабаларнинг ўқишларида омад тилади.**

**Жамшед ТОҒАЕВ.**

# Фермерни ким тушунади?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана, Шўрчи туманидаги «Ялти» ширкат хўжалигида яшовчи Жуманазар Бобожонов, қарийб уч йил бўлаяптики, шу хўжалик умумий йиғилишининг унга фермер хўжалигини ташкил этиш учун 422-, 423-, 481-контурдан 10 гектар суғориладиган ер ажратиб бериш ҳақидаги 2002 йил 13 апрелда чиқарган қарорини кўтариб югургани-югурган.

Жуманазар вилоят адлия бошқармасининг бўсағасини устма-уст ҳатлади. Бошқарма туман ҳокимига хат йўллади. Ҳокимнинг сўрови билан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими «Ялти» ширкат хўжалиги томонидан фермер хўжаликларини ташкил қилиш танловига ер майдони қўйилмагани сабабли, Бобожоновнинг аризасини ижобий ҳал этиш имкони йўқлигини билдирди. Бу билдирув Бобожоновни қаноатлантирмади. У «Нега энди айнан менга ер ажратиш ҳақида чиқарилган умумий йиғилишнинг 2002 йил 13 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан, «Ялти» ширкат хўжалиги икки кишига фермерлик учун ер ажратиб беради-ю, менга қолганда, хуржунни гоҳ ўнгга, гоҳ сўл тарафга ташлайди? Туман ҳокимининг кўзиям менга ўнг эмас, мен, нима, ернинг ёриғидан чиққаманми?» деган мазмунда яна тегишли идораларга мурожаат қилишни давом эттиради.

— Бир қарашда оддий кўринган, лекин чигаллаштириб қўйилган бу масала, афсуски, ҳалиям бир ёғлик бўлгани йўқ, — дейди вилоят адлия бошқармаси бўлим назоратчиси Баҳром Маҳмудов.

Гапнинг мавриди келганда, Термиз шаҳридаги «Бузоқча» фермер хўжалиги раҳбарининг ҳам АТ «Пахтабанк»нинг Термиз шаҳар бўлимидан кредит олиш илинжида сарсону саргардон бўлганларини айтиб ўтсак. «Бузоқча»нинг эгаси Ҳусан Хўжамқулов бузоқчаларини парваришлаш учун 2000 йилнинг 17 декабрь куни кредит сўраб ариза ташлайди. Аризага биноан 2001 йил 10 январь кунидаги 1-сонли кредит шартномасига асосан «Бузоқча»га 3 йил муддатга 12 фоиз билан 5 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратиш белгиланади. Ипотека, суғурта, кафиллик шартномалари — ҳаммаси рисоладагидек расмийлаштирилади. Расмийлаштирилади-ю, шу билан банк гўё ўртадаги шартномани унутиб қўйгандай бўлади. Фермер хўжалигининг эслатуви ва талабномасидан сўнггина банк 2001 йил 15 ноябрь кунига келиб, вилоят «Бизнес-фонд»ига «Бузоқча» учун 5 миллион сўм кредит ажратишни сўраб хат битади.

«Бизнес-фонд» бошқармаси у дейди, вилоят «Пахтабанк»и бошқармаси бу дейди, хуллас, «Отангга бор, онагга бор» қабилидаги ўйин бошланади. Ишга, ниҳоят, адлия бошқармаси, вилоят хўжалик суди аралашади. Вилоят хўжалик суди 2004 йил 10 декабрь кунига келиб, бир қадар чигаллашиб кетган ишни соддароқ йўсинда таҳлилдан ўтказади-да, фермер хўжалигининг даъвосини қисман рад этиб ва қисман катталаштириб, унга АТ «Пахтабанк»и бошқармасидан, унинг Термиз шаҳар бўлимидан солидар тартибда 1350000 сўм зарарни ва 400000 сўм маънавий зарарни, жами 1750000 сўм пулни ундириб беришга қарор қилади.

Ажаб савдолар чиғириғида тобланиб, тадбиркорлик қонунлари бўйича анча саводи чиқиб қолган Ҳусан Хўжақуловни бу қарор қаноатлантирмайди. Униям тушунмоқ керак. Ростдан ҳам, кредитни у вақтида олганида, бир бузоғи иккита бўлармиди? Чорва молларини харид қилиб, қўрасини кенгайтирармиди? Ҳисоб рақамига даромад иниб, чорва маҳсулотини қайта ишлаш корхонасини қурармиди? Ва бу ишдан озмикўпми, одамларга, жамиятга наф келармиди?

— АТ «Пахтабанк»и раҳбарияти ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, менинг ҳақ-ҳуқуқларимни оёқ ости қилди, — дейди Ҳусан Хўжақулов. — Булар ҳақида ҳужжат-далилларим бор. Энди юқори идораларга ёзаман.

Кредитлаш идорасидагилар вақтида ёрдам қўлини чўзишганида, фермер хўжалиги равнақ топиб кетармиди? Хўжақулов ҳам бугун нуқул қоғоз-қаламга зўр бериб ўтирмасдан, пешонаси терлаб ва товонлари қизишиб ишлаб ётармиди?

Дарвоқе, ҳеч ким биров билан даъволашаман, аризабозлик қиламан, деб фермер бўлмайди. Унинг нияти битта: меҳнат қилиш, яратиш. У ишлаяпти, минглаб гектар ерга экин экиб, қарзга ботиб ётган айрим ширкат хўжаликларига намуна бўлиб, мулкига мулк, кучига куч қўшиб ишлаяпти. Вилоятда бугун етиштирилаётган ғалла ва пахтанинг қарийб учдан бир қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермерлар қишлоқ хўжалигида ташаббускорликни, пешқадамликни ўз қўлларига олмоқдалар. Қишлоқда бозор муносабатларини шакллантиришнинг жонкуяри, бунёдкори бўлмоқдалар. Янгича иш ўринларини яратмоқдалар.

Шундай экан, уларнинг йўлига сунъий ғов-тўсиқлар ташлаш ўрнига мададкору ҳамкор бўлиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш фарз эмасми?

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МИРОБЛАРГА ХОРИЖ ГРАНТИ АЖРАТИЛДИ

***АҚШнинг Халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) томонидан Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги “Жамият ойдин” ва “Юртим истиқлоли” сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига Беларусь давлатида ишлаб чиқарилган 10 та велосипед ажратилди. Ушбу транспорт воситаси мироблар ишини енгиллаштиришда қўл келади.***

***— Бу бизнинг Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси бўйича берган дастлабки грантимиз, — дейди USAID менежери Наргиза Раҳимова. — Кейинчалик ирригация ва зовур тармоқларини таъмирлаш, техника воситалари харид қилиш, соҳага оид маълумотлар олиш имкониятини яратиш, ўқув машғулотлари ўтказиш ҳамда кредит тизимини барпо этиш учун айланма маблағлар ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида турли миқдордаги грант маблағлари ҳам ажратилади.***

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**



## 23 хил маҳсулот

*Ғазалкент шаҳри (Тошкент вилояти)даги «Конмит» очиқ турдаги акциядорлик жамияти 2004 йилда қайта таъмирланиб, замонавий ускуналар ўрнатилгандан сўнг унинг қуввати кескин даражада ошди. Бугунги кунда бу ерда 110 киши ишламоқда. Улар ҳар ойда 17 хил печенье ва 6 хил вафли, жами 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Тайёр маҳсулотлар эса республикамиздан ташқари Қозоғистон ва Хитойга ҳам юборилмоқда.*

**СУРАТДА: корхона оператори Ҳуснора Гулметова.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Ёш муаллимлар эътиборда

Қибрай туманидаги 33-мактабда 60 нафар ўқитувчи ишлайди. Уларнинг 32 нафари эса ёш мутахассислардир. Шу боис илм масканида «Ёш муаллимлар клуби» ташкил этилган.

Бундан кўзланган мақсад дарс бериш даражасини кўтаришдан иборатдир.

— Дарвоқе, биз машаққатли, лекин шарафли йўлни танлаган муаллимлар билан биргаликда ёш тарбиячиларни қизиқтирган саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз, устозларнинг тажрибалари билан ўртоқлашамиз, — дейди рус тили ўқитувчиси Ихтиёр Маҳмудов.

Энг асосийси, ёш мутахассислар йиғилишиб, таълим соҳасидаги ўзгаришлардан бир-бирларини бохабар қиладилар. Бундай ҳамкорлик эса ижобий натижа бермоқда.

**Қ. ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Тошкент вилояти.**

*Ислоҳот одимлари*

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар Фарғона вилояти банк тизимида ҳам тобора чуқур илдиз отмоқда. Буни вилоятдаги битта хусусий ва 13 та тижорат банки, уларнинг филиаллари ҳамда минибанклар ўтган йилни 3,3 миллиард сўм соф фойда билан якунлаганидан, тармоқнинг рентабеллик даражаси 13 фоизни ташкил этганидан ҳам билиш мумкин.***

# Сармоялар самарали лойиҳаларга

**жалб қилинаётганлиги туфайли Фарғона вилоятида ишлаб чиқариш суръатлари мунтазам ўсиб бораяпти**

Илгари банкнинг кредит ажратмалари тўғрисида фикр юритилса, маблағлар асосан савдо, умумий овқатланиш тизимларига йўналтирилаётганлиги тилга олинарди. Энди эса бу борада ҳам кескин ўзгаришлар рўй бераяпти. Сармоялар асосан ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга йўналтирилаяпти. Бу ўз самарасини бераяпти. Бултур кредит қўйилмаларининг 55,3 фоизи саноат, 7,4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 5,1 фоизи транспорт ва алоқа соҳаларига жалб қилинди. Кредит қўйилмалари аввалги йиллардагига нисбатан 28,3 фоизга ўсди.

Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, банк тизими томонидан чет эл инвестициялари ва хорижий кредит линиялари маблағларини олиб келишга муҳим вазифа сифатида қаралаяпти. Биргина ўтган йили 48 миллион доллар ҳамда 6 миллион евро миқдоридаги хорижий кредит линиялари жалб этилиб, унинг асосий қисми ўзлаштирилди. Молиялаштирилиб, ҳозирда тўлиқ ишлаб чиқариш қувватлари ўзлаштирилган лойиҳалар эса 30 миллион доллардан ортиб кетди.

Хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш борасида «Асакабанк»нинг вилоят бўлими амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқ. Банк биргина ўтган йилнинг ўзида иқтисодиётнинг реал тармоғини кредит билан таъминлаш режасини 250 фоизга бажарди.

Бундан икки йил муқаддам Осиё Тараққиёт банки кредит линияси бўйича «Асакабанк» билан ҳамкорликда «Қуваконсерва» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига 2 миллион 169 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиб берилганди. Бу маблағга Италиянинг жаҳонга машҳур «Манзини» фирмасидан мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган линия сотиб олинди. Ҳозирги кунда дастгоҳлар ўрнатилиб, технологик созлаш ишлари охирига етказилаяпти.

Енгил саноат тизимида меҳнат қилувчилар Германиянинг тўқимачилик асбоб-ускуналари етказиб берувчи «Трютишелер» фирмасини яхши билишади. Эндиликда ушбу фирма дастгоҳлари Фарғона вилоятига ҳам кириб келяпти. Қувасойдаги «А. Акбарали» ишлаб чиқариш фирмасига «Асакабанк»нинг вилоят бўлими томонидан 3 миллион евро миқдорида кредит ажратилди. Немис мутахассислари дастгоҳларни белгиланган муддатдан анча илгари етказиб беришди. Қисқа вақт ичида дастгоҳлар, асбоб-ускуналар монтаж қилинди. Айни кунларда созлаш ишлари кетаяпти.

Германиянинг озиқ-овқат маҳсулотлари учун шиша идишлар ҳамда технологик асбоб-ускуналар етказиб берадиган «Эмхарт ГЛАСС» компанияси ҳам бугунги кунда Қувасойдаги «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасида фаолият олиб бораяпти. «Алеста ГЛАСС» шўъба корхонаси «Асакабанк»дан олинган 5 миллион 481 минг евро миқдоридаги маблағ ҳисобига озиқ-овқат саноати учун сув ва ҳаводек зарур шиша идишлар тайёрлаб беради.

Янги йил арафасида Фарғона шаҳри кўчаларида бўёқлари ялтираб турган «Отайўл» автобуслари кўпайиб қолди. Бунинг боиси ушбу автобусларнинг 50 тасини сотиб олиш учун «Асакабанк» «Отайўл» — хизмат — Фарғона» масъулияти чекланган жамиятига салкам 1,5 миллиард сўм кредит ажратганлигидир. Бу шаҳар ичида муаммо бўлиб турган йўловчи ташиш хизматида туб ўзгаришлар қилишга имкон яратди.

Ислоҳотлар оғишмай амалга оширилиши туфайли вилоятнинг анчагина фуқаролари ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш эвазига турмуш тарзларини яхшилашга эришмоқдалар. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида 450 та фуқарога «ЎзДЭУ» қўшма корхонасида тайёрланаётган автомашиналарни сотиб олиш учун 1 миллиард 725 миллион сўмлик автокредитлар берилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХАТЛАР сўзлайди

*Муштарий:*
*таклиф киритади*

## Лоқайдлик бўлмаса...

***Мен истиқомат қилаётган Шарғун шаҳри шундоққина тоғ ён бағрида жойлашган. Бу ерда кўплаб шифобахш неъматлар, доривор гиёҳлар ўсади.***



Айниқса, Сангардак, Маланди, Хонжиза, Зевар каби тоғларнинг зироаткор аҳолиси бодом, ёнғоқ, писта, ифар, равоч сингари меваларнинг йўқ бўлиб кетмаслигига эътибор беришаётгани қувонарли. Бироқ бозорларда табиатнинг бу инъомлари кам ва баҳоси “осмонда”лиги ажабланарли ҳол. Ёз, баҳор ойларида униб чиқадиган айрим неъматларни қишда умуман учратмаймиз.

Модомики, шундай экан, туман ёки шаҳар марказида тоғнинг ноёб ўсимликлари сотиладиган савдо шохобчалари очилса, уларнинг нархи арзонроқ бўлади. Агар ихтисослашган дўконлар ташкил қилинса, зарур бўлганда қуруқ мевалар топилиши ҳам осон кечарди.

Зеро, бозоримизни четдан келган маҳсулотлардан кўра ўзимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар билан бойитиш бурчимиздир. Фақат бунинг учун озгина эътибор ва уддабуронлик бўлса, бас!

**Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ.**
**Сариосиё тумани.**

*... ёрдам сўрайди*

## Спорт — жону дилимиз

***“Спорт” телеканали ташкил топганига эндигина бир йил бўлса-да, минглаб мухлислари борлиги барчамизга аён. Бу тармоқ орқали халқаро миқёсдаги учрашувлар, футбол ўйинлари бериб борилиши кишини қувонтиради.***

Аммо биз — Дўстлик тумани аҳолиси ҳалигача “Спорт” каналини томоша қилишдан бебаҳрамиз.

Баъзан терма жамоалар учрашуви, муҳим беллашувлар “Ўзбекистон” ёки “Ёшлар” телеканалидан ҳам кўрсатилмагани туфайли қизиқарли томошаларни кўролмай қолаяпмиз. Жону дилимиз бўлган спортга бағишланган кўрсатувларни, олдинда турган Осиё чемпионлар лигаси, Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларини кўришга иштиёқмандмиз. Жиззах шаҳрида «Спорт» канали яхши кўрсатади. Наҳотки, бизда ҳам бу муаммони ҳал қилиш қийин бўлса?

**Ҳусниддин ИСРОИЛОВ.**
**Дўстлик тумани.**

*...ташаккур билдиради*

## Ўз касбининг фидойиси

***Барча жабҳаларда, айниқса, тиббиёт тизимида алоқа воситалари муҳим аҳамият касб этади. Туман алоқа хизмати, хусусан, шифохона алоқа хизмати бўлими ходимлари бу борада ўз вазифаларини кўнгилдагидек адо этишаяпти.***

Биз газета-журналлар вақтида етказиб берилаётганидан, алоқалар камчиликсиз йўлга қўйилганидан мамнунмиз.

Клиникамизда ҳурмат-эътиборга эга Носир ака Шомуродов исм-шарифли киши бор. У кексалигига қарамай, туман маркази билан касалхона ўртасидаги узоқ масофани ҳар куни босиб ўтиб, вақтли матбуот нашрларини эгаларига тарқатаётир. Муассасамиз ходимлари бу инсондан миннатдор.

**Омонжон ТАРИҚУЛОВ ва бошқалар.**
**Яккабоғ тумани.**

*...танқид қилади*

## Ваъдага вафо қани?

***Бундан ўн йилча муқаддам кўчамиз торлиги сабаб ҳовлиларни қисқартириш эвазига йўл кенгайтирилганди.***

Ҳатто, туман ҳокимлиги ва йўл бошқармаси бошлиғининг қўшимча жой-ер ажратиш ёки маблағ тўлаш ҳақидаги ваъдасига мувофиқ, экиб ўстирган дарахтларимиз ҳам йиқитилди. Ён-атрофдаги хонадонлар соҳибларига ҳақлари берилди. Лекин мен ўз улушимни ололмаяпман. Мутасаддилар ҳамон қуруқ гапу беписандликдан нарига ўтишмаяпти. Ушбу масалада амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Эркин ТОҒАЕВ.**
**Самарқанд тумани,**
**Мароқанд ширкат хўжалиги.**

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат*

***Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг ўтган йил сентябрь ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида жойларда солиқ қонунчилиги бузилишлари рўй бераётгани, жумладан, хуфиёна иқтисодиётнинг айрим кўринишлари ислоҳотлар йўлига ғов бўлаётгани, бундай ҳолатларга қатъий чек қўйиш лозимлиги таъкидланган эди. Хўш, мутасадди идоралар, хусусан, солиқ хизмати ходимлари бу вазифанинг уддасидан қай даражада чиқишаяпти? Жамоатчи мухбиримизнинг Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Баҳодир НЕЪМАТОВ билан суҳбати шу ҳақда.***

# ЯШИРИН ДАРОМАД ТАТИМАС

**— Баҳодир Ҳабибуллаевич, маълумки, солиқ тизими давлатнинг иқтисодий назорат органи ҳисобланади. Шундай экан, бу борада ўтказилаётган текширишлар қандай самара бераяпти?**

— Ўтган йил давомида вилоят солиқ идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда 2402 та ҳужжатли, 2320 та қисқа муддатли текшириш ўтказилган бўлса, уларнинг деярли барчасида ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Хусусан, 946,4 миллион сўм нақд пулни банк муассасаларига топширмасдан яшириб қолиш, 356,4 миллион сўмни назорат-касса машинасига кирим қилмаслик, 24 ҳолатда улгуржи савдо қоидалари бузилгани маълум бўлди.

Бундан “Солиқчилар фақат текширишлар сонига эътибор қаратяптиларми?” деган хулоса чиқармаслик керак. Аввало, текширувлар сифати диққат марказида турибди. Шу боис ҳар бир ходим маълум бир ташкилот ёки муассасани ўрганиш жараёнида фақат ҳужжатларга асосланиб қолмасдан, кенг мулоҳаза, чуқур фикр юритиш орқали масаланинг илдизига етиб боришга ҳаракат қилаётир. Оқибатда хуфиёна иқтисодиёт билан шуғулланаётган кўплаб “учар”лар фаолиятига барҳам бердик. Бир мисол. Катта пул маблағларига эга хўжалик юритувчи субъектларнинг шубҳали деб топилган 221 тасида текшириш ўтказилган эди. Уларнинг 69 тасида 4943,9 миллион сўм айланма пул маблағини ҳисоботларда камайтириб кўрсатиш, 63 тасида 1803,9 миллион сўм нақд пул тушумини банкка топширмаслик, 105 тасида эса бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар мавжудлиги фош этилди. Бундан ташқари, солиқ ва бошқа тўловларни яшириш ҳоллари ҳам тез-тез учрамоқда. Улар юзасидан ўз вақтида тегишли чоралар кўрилиб, давлат хазинасига етказилган зарарлар ундириб олинаяпти.

Умуман олганда, 2004 йил мобайнида вилоят солиқ идоралари ўтказган текширишлар ҳужжатлари асосида 91 ҳолат бўйича ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар томонидан жиноят иши қўзғатилди. «Яширин даромад татимас» деганлари шу-да.

**— Кимлар ўша ҳуқуқбузарлар?**

— Марҳамат. Бултур “Консул зоғ” хусусий фирмаси Норин тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида рўйхатдан ўтган. Аммо фирма раҳбари А.Денесенко ҳисоб рақамини “Алоқабанк”нинг Андижон вилояти бўлимида очади-ю, бу ҳақда туман Давлат солиқ инспекциясига маълумот бермайди. Лекин банкдаги ҳисоб рақами орқали 193 миллион сўм пул операциясини бажаради. Табиийки, аниқланган ҳолатларга асосланиб, инспекция раҳбари фирма ҳисоб рақамидаги айланма маблағни вақтинча беркитиб қўяди. Шунга қарамасдан, А. Денесенко ДСИнинг сохта хатини тайёрлаб, ҳисоб рақамида тўхтатиб қўйилган 5,3 миллион сўм маблағни чиқариб юбориб, яна фаолиятини давом эттираверади. Ачинарлиси шуки, жами банк айланмаси 265 миллион сўмга етган бўлса-да, у солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлайди. Сохта ишлар шу даражага борадики, ҳатто туман ҳокимлигидан берилиши лозим бўлган улгуржи савдога рухсат гувоҳномаси ҳам қалбакилаштирилади.

Фирма раҳбарининг ҳийласи шу билангина чекланмайди. Қарангки, у кўрсатилган манзилда ҳам узоқ вақтдан буён яшамас экан. Текшириш давомида тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга юборилгач, фирмага нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бундай салбий ҳолатлар “Чортоқ тонги кос”, “Имин мақсад” хусусий фирмалари, “Улуғбек Мақсад УЖ” масъулияти чекланган жамияти ва хусусий тадбиркор Убайдулло Маҳмудов фаолиятларида ҳам фош этилди.

**— Маълумотларга қараганда, яширин ишлаб чиқариш цехлари ҳам ҳалигача мавжуд. Уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам кўпчиликни қизиқтиради...**

— Одатда яширин цехлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни турли қандолат, ўсимлик ёғи, ичимликлар тайёрлашга йўналтирилган бўлади. Уларни тайёрлаш жараёнини кўздан кечирсангиз, ачиниб кетасиз. Чунки истеъмолга мўлжалланган бу маҳсулотлар умуман антисанитария ҳолатида, малакасиз одамлар томонидан, саломатликка путур етказадиган, ҳатто ҳаётга хавф соладиган даражада сифатсиз ишлаб чиқарилади. Масалан, Тўрақўрғон тумани, “Бураматут-1” маҳалласида истиқомат қилувчи Илҳомжон Мўминов ўз хонадонида қўлбола усулда ўсимлик ёғи тайёрлаб сотаётганлиги маълум бўлгач, туман солиқчилари ўша ерга етиб борадилар. Далиллар тўлалигича тасдиқланди. Мазкур хонадондан 112 кг. дориланган чигит, 625 кг. кунжара, 81 кг. тозаланмаган, яъни дориланган чигитдан ишлаб чиқарилган пахта ёғи ва бошқа далилий ашёлар топилди. Сотувга тайёрлаб қўйилган ёғ сифати мутахассислар томонидан ўрганилганда эса, унинг истеъмолга умуман яроқсизлиги аён бўлди.

Чортоқ тумани, Арбағиш қишлоғи, Беканов кўчаси, 48-уйда яшовчи Муборак Кўчқорова эса ўз хонадонида ҳеч қандай ҳужжатсиз, яширин равишда қўлбола ароқ тайёрлар экан. Спирт, қалбаки акциз маркаси, ҳар хил ароқ ёрлиқлари ва тиқинларни қўшни Қирғизистон Республикасидан олиб келаркан. Текшириш куни унинг уйидан 0,5 литрли 84 дона шиша идишда тайёр ароқ, 43 дона тиқин, 7 дона қалбаки акциз маркаси, 6 дона қалбаки ёрлиқ ва битта қўлбола дастгоҳ далилий ашё сифатида олинди. Илҳомжон Мўминов ва Муборак Қўчқорова сингари фирибгарлар ёлғиз эмаслиги ғоят ташвишлидир. Йил давомида 84 та яширин цех аниқланиб, уларнинг фаолияти тўхтатилгани шундан далолат беради.

**— Демак, ўтган йил якунлари таҳлил қилиниб, улардан тегишли хулосалар ҳам чиқарилди. Энди, айтингчи, бу йилги режалар нималардан иборат?**

— Биринчи галда, йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни такрорламаслик чораларини кўриб, ютуқларни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун биз аниқ тадбирларимизни аллақачон тузиб, ойма-ой бажарадиган ишларимизни ҳам режалаштириб олганмиз. Уларга мувофиқ, аввало, истеъмолчилар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликни кучайтиришга эътибор қаратаяпмиз. Мақсадимиз — биргаликда қўшма текширишлар, рейдлар ўтказиб, имкони борича ҳуқуқбузарликларнинг илдизини топиш ва уни таг-томири билан йўқотишга эришишдир.

***Журналист***
**Илҳомжон РАҲМАТОВ**
**суҳбатлашди.**

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар



## Ўзлигимиз унутилмайди

***Газетамизнинг 2004 йилги 3 декабрь сонида “Жой номи — тарих муҳри” сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда айрим туманлардаги жойларга ном бериш, уларнинг мазмун-моҳияти, бу борада мавжуд хато-камчиликлар хусусида сўз юритилганди.***

***Ушбу мақола юзасидан таҳририятимизга Сурхондарё вилояти, Музработ тумани ҳокими ўринбосари Т.Маматалиев имзоси билан расмий жавоб келди.***

Жавобда айтилишича, мақола муаллифининг жойларга янгидан ёки қайтадан ном беришда миллий қадриятларимиз ва менталитетимизга мос тарихий атамалардан фойдаланиш ҳақидаги фикрлари маъқулланган. Пировардида Музработ тумани ҳокимлиги ва ҳокимлик қошидаги топономик объектларга ном беришни мувофиқлаштириш комиссияси мазкур масалага оид аниқ тадбирлар ишлаб чиққан ҳамда бундан кейин ҳам жойларни номлашда мақолада таклиф этилган, ўзлигимизни англатувчи пурмаъно сўзлардан фойдаланишни режалаштирган.

## Ироқ:

# УМУМХАЛҚ САЙЛОВЛАРИ

Ўтган якшанба куни Ироқда мамлакат тарихида охирги ярим аср мобайнида биринчи бор кўппартиявийлик асосида умумхалқ сайловлари ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси вакилининг айтишича, 8 миллиондан кўпроқ, яъни рўйхатга олинган аҳолининг 60 фоизи сайловда иштирок этган. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида 90 фоизга яқин сайловчилар қатнашишган. Саддам Ҳусайн туғилиб ўсган Тикрит шаҳри аҳолисининг аксарияти сайлов участкасига боришдан бош тортишган. All-Jazera телеканали тарқатган хабарда айтилишича, Тикритдаги 500 минг аҳолининг 1,5 минг нафари сайловда иштирок этган.

30 январь куни номзодлар Миллий ассамблеядаги 275 ўрин учун кураш олиб бордилар. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг 30 фоизи аёллардан иборат. Ҳарбийлашган партиялар ва Саддам Ҳусайн бошқарувида бўлган БААС партиясининг барча аъзолари ҳамда айни пайтдаги мамлакат ҳарбий қўмондонлиги аъзолари сайловда ўз номзодларини қўйиши тақиқланди. Ассамблеядаги ўринлар мутаносиб тарзда бўлинади.

Миллий ассамблея ваколатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, у ҳукуматни сайлайди ва янги қонунлар қабул қилади. Депутатлар, биринчи навбатда, мамлакат президенти ва икки вице-президентни сайлашлари лозим. Шундан сўнг президент ва унинг ўринбосарлари Бош вазирни тайинлайди.



Жорий йил 15 августга қадар Бош вазир асссамблеяга конституция лойиҳасини тақдим этиши шарт. Конституцияни қабул қилиш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш 15 октябрга белгиланган.

Мабодо, конституция қабул қилинса, конституциявий ҳукуматга сайлов 15 декабрь куни ўтказилиши режалаштирилмоқда. Янги ҳукумат 31 декабрдан иш бошлайди.

Агарда, Ироқ халқи конституция лойиҳасини маъқулламаса, 15 декабрда ассамблеяга қайтадан сайлов ўтказилади. Шу тартибда ҳамма тадбир қайтадан такрорланади.

Сайлов куни хавфсизликни таъминлаш катта муаммо бўлди. Сайлов арафасида Америка ўз ҳарбийларини 135 мингдан 150 минг нафаргача кўпайтирди. Бундан ташқари, Ироқ муваққат ҳукумати мамлакат чегараларини уч кунга ёпиб қўйди.

Ироқ муваққат ҳукумати Бош вазири Айяд Алавийнинг тан олиб таъкидлашича, ушбу сайловларда барча ироқликлар қатнаша олмади. Америка ҳарбий қўмондонлигининг юқори мартабали мансабдорларидан бирининг сўзларига қараганда, хавфсизлик муаммоси сайловнинг барча талаблар доирасида ўтказилишига асосий тўсқинлик қилган. Хусусан, мамлакатдаги 18 та музофотдан тўрттаси — Бағдод, Мосул, Фаллужа ва Тикрит шаҳарларида хавфсизлик масалаларини таъминлаш бироз қийин кечди. Қолаверса, аҳолининг асосий қисми шу шаҳарларда истиқомат қилади.

Кўпчиликни қизиқтираётган саволлардан яна бири — бу мамлакатдаги хорижлик ҳарбийлар мамлакатни қачон тарк этиши масаласидир.

БМТнинг 1546-резолюциясига мувофиқ Ироқ конституцион ҳукумати иш бошлагандан сўнггина чет эл ҳарбийлари мамлакатдан чиқиб кетади. Бироқ, амалдаги муваққат ҳукумат бу муддатни бироз узайтирилишини сўрамоқда. Худди шу масала 2005 йил июнь ойида ассамблея кун тартибига киритилиши мўлжалланмоқда. Айни пайтда Миллий ассамблея хорижий давлатлар ҳарбийларини мамлакатдан олиб чиқиб кетилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Нима бўлганда ҳам бугун Ироқ ўтиш даврини бошдан кечираяпти. Диктаторлик режими ағдарилиб, демократик тамойиллар асосида бошқарув тизими жорий қилинмоқда. Бу йўлда халқаро ҳамжамиятнинг ҳар томонлама кўмаги зарур бўлиши шубҳасиз.

**Юнус БЎРОНОВ.**

# Ирқчилик — инсоният душмани

Ўтган ҳафта Освенцим лагерида азият чеккан маҳбусларнинг озод қилинганига 60 йил тўлиши муносабати билан дунёнинг қатор мамлакатларида тадбирлар бўлиб ўтди.

Польшадаги «Аушвиц-Биркенау» давлат музейида бўлган маросимда дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан келган делегация аъзолари қатнашишди. Россия президенти Владимир Путин, Польша президенти Александр Квасьневски, Франция президенти Жак Ширак, Исроил президенти Моше Кацав ва бошқалар уруш пайтида маҳбуслар келтирилган темир йўлга мотам шами ёқишди. Уч соатдан зиёд давом этган маросимда сўзга чиққанлар инсоният миллатчилик, ирқчилик ва диний айирмачиликка қарши курашда фаол бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритдилар.

Берлинда бўлиб ўтган маросимда Германия канцлери Герҳард Шрёдер нацистларнинг концентрацион лагерларида амалга оширилган шафқатсизликлар учун қаттиқ хижолатда эканини билдирди.

— Мен Освенцим лагерининг қизил армия томонидан озод қилинганига 60 йил ўтганидан сўнг сизларнинг олдингизда демократик Германия вакили сифатида турибман, — деди Герҳард Шрёдер. — Концентрацион лагерларда ўлдирилганлар ва ушбу жаҳаннамдан омон чиққанлар олдида қаттиқ хижолатдаман. СС қўшинлари ва уларнинг ҳамтовоқлари томонидан миллионлаб болалар, аёллар ва эркаклар газ камераларида куйдирилди, очликдан қурбон қилинди ва отиб ўлдирилди.

Бугун барча демократларнинг вазифаси — неонацистларнинг ҳақоратли ташвиқотлари ва нацистлар томонидан амалга оширилган шафқатсизликлар кўламини камайтириб кўрсатишга уринишларига қарши туришдир. Ҳеч бир кучли демократия ушбу тизим ва бағрикенглик душманларига тоқат қилмаслиги лозим.

Маросим ёпилишида Герҳард Шрёдер Иккинчи жаҳон урушида Германиянинг роли асло унутилмаслигини билдирди.

«Мен концентрацион лагерлар қурбонлари олдида таъзим бажо айлайман. Агарда қачондир уларнинг номлари инсон ёдидан чиқса ҳам, тақдири тарих юрагида қолади», деди у.

Европарламент ҳар йили 27 январни Ирқий тажовуз қурбонлари куни деб эълон қилиш таклифи билан чиқди. ЕИ парламенти депутатлари томонидан қабул қилинган резолюцияда, иттифоқ давлатлари ва институтлари ҳар қандай ирқий камситишлар ва уни ташвиқот қилувчиларга қарши кескин курашиши лозимлиги қайд этилган.

Эслатиб ўтамиз, Освенцим концентрацион лагерида 1940 йилдан 1945 йилнинг 27 январигача нацистлар томонидан бир миллиондан зиёд одам ўлдирилган.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

## Вазирлик биносида портлаш

*Кеча эрталаб Тожикистон пойтахти Душанбеда портлаш юз берди. Тожикистон Ички ишлар вазирлиги берган маълумотларга қараганда, мамлакатнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги биноси олдида турган ГАЗ-24 русумдаги автомобиль портлаб кетган. Портлаш маҳаллий вақт билан ўн ярим атрофида юз берган. Воқеа оқибатида камида бир инсон ҳалок бўлди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги. Унинг шахси аниқланмаган бўлса-да, ҳозирча автомобиль ҳайдовчиси деб тахмин қилинмоқда.*

*France Presse ахборот агентлиги тарқатган маълумотларда айтилишича, яна тўрт киши жароҳат олган. Мамлакат хавфсизлик органлари вакилларидан бири журналистларга мазкур портлаш террорчилик ҳаракати бўлиши мумкинлигини айтган.*

## Санъат асарлари йўқолди

*Антверпендаги DASC бадиий галереясидан машҳур испан ҳайкалтароши Сальвадор Дали томонидан яратилган учта бронза ҳайкал ва яна бир неча ёғочдан ясалган гравюралар ўғирланди. Галереянинг эгаси Дэйв Швайцернинг айтишича, ўғирлаб кетилган асарлар унинг бисотидаги энг қимматбаҳо ҳайкаллар бўлган.*



*Полиция ушбу жиноят юзасидан қидирувларни бошлаб юборди.*

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Навбатдаги зилзила

*Туркия жанубида якшанба куни Рихтер шкаласи бўйича 5,3 баллга тенг ер силкиниши юз берди, деб хабар беради AFP агентлиги. Зилзила маркази мамлакатнинг йирик порт шаҳри бўлмиш Касдан 50 км узоқликда — Ўрта Ер денгизида бўлган. Ҳозирча жароҳатланганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумот йўқ. 24 январь куни ҳам шу минтақада 5,5 баллик силкиниш рўй берган эди. Ҳеч ким шикастланмаган бўлишига қарамасдан, аҳоли орасида ваҳима кўтарилганди. 25 январь куни Туркия шарқида юз берган зилзила оқибатида эса 2 киши ҳалок бўлиб, 20 нафардан ортиқ инсон жароҳат олди.*



## Бойқўнғир учун 5,3 миллиард доллар

*Россия ҳукумати Бойқўнғир космодромидан фойдаланиш тўғрисидаги келишувни тасдиқлади, деб хабар беради «Коммерсант» газетаси. Ҳужжат космодром ижарасини 2050 йилга қадар узайтиришни кўзда тутиб, Россия Қозоғистонга ҳар йили 115 миллион доллар (жами 5,3 миллиард доллар) миқдорида пул тўлайди.*



*Роскосмос агентлиги раҳбари Виктор Ремишевскийнинг айтишича, яқин келажакда Россия ўз ҳудудида Бойқўнғирнинг ўрнини боса оладиган космодром қуриш имкониятига эга эмаслиги сабабли, мазкур шартномага эҳтиёж мавжуд.*

# Режа амалга ошмоқда

## лекин аҳоли бундан норози

Якшанба куни Исроил парламенти биноси ёнида норозилик намойиши ўтказилди. Маълумотларга қараганда, уларнинг сони 130 минг нафардан ошади. Намойишчилар мамлакат Бош вазири ташаббуси билан амалга оширилаётган режа — Ғазо секторида истиқомат қилаётган яҳудий аҳоли пунктларини кўчиришга ўз қаршиликларини билдиришмоқда. Намойиш қатнашчилари мамлакат бош вазири Ариэль Шаронга ушбу режани амалиётга татбиқ этишдан олдин жорий йилда референдум ўтказишни талаб қилишмоқда.

Бундан ташқари, Шарон режасига мувофиқ Фаластин мухториятидан ҳудудидан Исроил ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетиш борасидаги турли таклифлар ҳам мамлакат аҳолисининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаяпти.

Режага кўра, Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг шимолий қирғоқларидаги 8 минг аҳоли кўчирилади. Чегара назорати, қирғоқ бўйи ва Ғазо секторидаги ҳаво йўлаги Исроил тарафидан назорат қилинади.

Айни пайтда Исроил мудофаа вазири Шаул Мофазнинг маълум қилишича, тез орада Иордан дарёсининг шимолий қирғоғидаги бир қатор ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш фаластинликларга берилади. Икки давлат хавфсизлик кучлари раҳбарларининг ўтган шанба куни бўлиб ўтган музокараларидан сўнг шундай келишувга эришилган.

Фаластин ҳукумати ва жангарилар ўртасида ҳужумни тўхтатиш борасидаги келишувдан сўнг Ғазо секторида тинчликни сақлаш вазифаси Фаластин хавфсизлик кучлари зиммасига юкланди.

*Дунё шаҳарлари*



**Кечки Брюссель.**

## Эверестга янги экспедиция

*«Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарларда айтилишича, Хитой сайёранинг энг баланд нуқтасини яна бир бор ўлчаб кўриш мақсадида шу йил мартда Химолай тоғларига отланадиган экспедиция ташкил қилмоқда. Сўнгги марта Эверест чўққиси баландлиги 1975 йилда ўлчанган, аммо кузатишларга қараганда, сўнгги ўттиз йил давомида у 1,3 метрга пасайган. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, 1999 йилда Эверест баландлиги аввалги 8849,75 метрдан 8848,45 метрга тушиб қолган. Айни пайтда у йилига 0,13 метрдан пасаймоқда. Хитой ФАга қарашли Цинхай-Тибет тоғ тизмалари институти директори Яо Таньдуннинг айтишича, Эверест «бўйининг пасайиши»га асосий сабаб иқлимнинг исишидир.*

# Узоқ умр кўриш сири

Ҳозир дунёда энг узоқ умр кўрувчи халқ японлар ҳисобланади. Хўш, бунинг сири нимада? Киото университети профессори Юкио Ямори кўп йиллардан буён шу соҳада тадқиқотлар олиб бормоқда. Унинг таъкидлашича, туз инсон умрининг кемирувчиси ҳисобланади. Ямори шу масалада сичқонлар устида тажриба ўтказди. Тузли озуқалар билан боқилган кемирувчилар тезда юрак-қон томир касаллигига йўлиқиб ҳалок бўлишди. Тузсиз емак билан озиқланган сичқонларда эса бу ҳол умуман кузатилмади.

Шундан сўнг Юкио Ямори мамлакат аҳолисининг овқатланиш рационини ўрганиб чиқди. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, Окинава ороли ва Киото префектураси аҳолиси бошқа минтақа аҳолисига қараганда, кўпроқ яшар экан. "Бунинг сабаби мазкур ороллар аҳолиси таркибида балиқ, денгиз ўтлари, ловия бор маҳсулотларни, сабзавотларни кўп ейишидан, — дейди профессор. — Энг асосийси, бу оролларда туз жуда кам истеъмол қилинади".

Хонсю оролининг шарқий қисмида жойлашган Тохоку шаҳри аҳолиси юқоридаги икки орол одамларига нисбатан бироз кам умр кўради. Олим бунинг сабабини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосага келди: "Бу ерда қиш анча серёғин ва совуқ бўлади. Шундан бўлса керак, аҳоли қишга балиқ ва сабзавотларни ғамлаб қўйиш учун маҳсулотларни тузлашга мажбур бўлади. Натижада улар окиналикларга нисбатан икки баравар кўп туз истеъмол қилишади ва камроқ умр кўришади".

Юкио Яморининг фикрича, маҳсулотларни қайнатмасдан истеъмол қилиш, озиқ-овқатларни тузланган ҳолда эмас, балки ачитиб ейиш фойдалироқдир. Рус физиологи И. П. Павловнинг таъкидлашича, ферментлар асосан ачиш жараёнида ҳосил бўлиб, организмда модда алмашинувини тартибга солади.

Ёшликдан тўғри овқатланишга одатланиш, деб таъкидлайди Ямори, қариликдаги кўпгина касалликларнинг олдини олади. Ҳатто сизга юрак хасталиги ташҳиси қўйилган бўлса ҳам тузни меъёрда истеъмол қилиш билан касаллик ривожланишини тўхтатиш мумкин. Тузни оз истеъмол қилиш қарилик чоғи хотира пасайиши, мадорсизлик каби ҳолатларнинг олдини олиб, ақлни пешлайди, дейди профессор.

**Д. ЭГАМҚУЛОВА тайёрлади.**

## Бюджет камомади ортади

*АҚШнинг бюджет камомади 2005 молиявий йил якунида 368 миллиард долларга етади, деб хабар беради Рейтер ахборот агентлиги. Бу маълумотлар АҚШ Конгрессининг Бюджет бошқармаси томонидан тайёрланган янги прогнозда айтилган. Дастлабки тахминларда 2004 йил 1 октябрдан бошланган жорий молиявий йилнинг бюджет камомади 348 миллиард доллар деб кутилаётганди. Ўтган йилги бюджет камомади 413 миллиард долларни ташкил қилган эди.*

Многим предприятиям необходимо внедрять ИСО 9001, но у большинства возникают вопросы:
**«ПОЧЕМУ КОНСАЛТИНГ ПО ИСО 9001 ОЧЕНЬ ДОРОГОЙ?» И «КАК МОЖНО СНИЗИТЬ РАСХОДЫ НА ВНЕДРЕНИЕ ИСО 9001?»**

Предприятия хотят, чтобы консультанты проводили много времени на предприятии, это влияет на высокую стоимость консультационных услуг. На наш взгляд предприятиям необходимо готовить ***своих специалистов*** и максимально использовать собственные ресурсы. Чем выделять деньги на «ИСО 9001», лучше направить финансы в своих сотрудников и в свое предприятие, что позволит справится с задачей внедрения ИСО 9001 самостоятельно или с минимальным привлечением консультантов и преподавателей.

Международно-признанный Сертификационный Орган **RW TUV** и дочерняя компания **TUV Academy** имеют огромнейший мировой опыт по сертификации и обучению по ИСО 9001. **С 9 февраля 2005г** - RWTUV, TUV Academy и ООО «МС КОНСАЛТ» приглашают специалистов предприятий принять участие на ***новом специальном курсе*** «Разработка Системы Менеджмента Качества по ИСО 9001». Данный курс позволит ***на практических*** занятиях освоить все необходимые знания и навыки по применению ИСО 9001. После прохождения курса все участники ***смогут*** активно участвовать в разработке системы качества по ИСО 9001 на собственных предприятиях, а также более целенаправленно и разумно использовать выделяемые финансы на ИСО 9001, при минимальном, оптимальном и эффективном привлечение консультантов или преподавателей.

Стоимость данного курса специально снижена на **25%** и ***позволит принять участие*** многим предприятиям Узбекистана ***обучить своих сотрудников, начать разрабатывать*** систему качества по ИСО 9001 и ***определиться в дальнейших шагах***!

MS Consult — **Консалтинговая компания "МС КОНСАЛТ" сертифицированная по стандарту ISO 9001**

RWTUV — **Международный сертификационный орган**

**Приглашают 9 февраля 2005 г. на новый специальный курс-тренинг**
**"Разработка системы менеджмента качества по ISO 9001"**
Курс разработан с учетом пожеланий многих участников наших курсов

Скидки: Всем участникам 25 %, С выездом на предприятие Заказчика 40 %

**Тел/факс: (998 71) 136-55-34, 152-76-71 (998 97) 111-07-49**
**e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru**
**www.ms-consult.uz**

**"Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг энг яхши тажрибаси"**

**ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФНОМА**

USAID FROM THE AMERICAN PEOPLE

**Урбан Институт/Тошкент АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) нинг "Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш"**

лойиҳаси доирасида 2005 йилги Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг энг яхши тажрибаси

**ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танлов низомга мувофиқ ҳолда ўтказилади, уни қуйидаги манзилда олиш мумкин:
- *Тошкент ш. коммунал ҳудудий бирлашмаси (ТКЭО), Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1-а уй, (2-қават). Телефон: (8-3712) 45-06-37, Стелла Соловейга мурожаат қилинг.*
- *Тошкент ш. Уй-жой мулкдорлар ширкатларининг уюшмаси "ТАссТСЖ", Олмазор даҳаси, 8-уй. Телефонлар: (8-3712) 45-23-45, 45-83-55, Аҳмад Азизович Рашидходжаевга мурожаат қилинг.*

Барча танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларини 2005 йилнинг 11 апрелидан кечиктирмаган ҳолда тақдим этишлари керак.

Танлов комиссияси танлов натижаларини 2005 йилнинг 16 майидан кечиктирмасдан эълон қилади.

Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида ёритилади, ғолибларга алоҳида хабар берилади. Танлов ғолиблари квартиралар мулкдорлари умумий мулки ҳолатини ва кўп квартирали уйларда яшаш шароитини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун Урбан Институт/USAID нинг молиявий кўмаги берилади.

*Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этинг: 700015, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси, 12-уй, 5-блок, 3/1-блок. Телефонлар: (8-371) 152-76-77, 152-76-78, 152-77-02. Факс: (8-371) 152-27-67 (78). Гавҳар Алиевага мурожаат қилинг, E-mail: Galieva@ui.uz ёки Раҳима Ортиқовага, E-mail: Rortikova@ui.uz.*

**"2005 йилда оммавий ахборот воситаларида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятининг энг яхши тарзда ёритилиши"**

**ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

USAID FROM THE AMERICAN PEOPLE

**Урбан Институт/Тошкент АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) "Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш"**

лойиҳаси доирасида оммавий ахборот воситаларида уй-жой мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалаларини ҳамда Ўзбекистонда уй-жой мулкдорлари ширкати (УМШ) фаолиятини ёритишга бағишланган энг яхши мақолалар учун навбатдаги

**ТАНЛОВНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танлов иштирокчилари 2005 йилнинг 1 январидан 30 августигача матбуотда ва интернет тармоқда чоп этилган, теле ёки радиоэфирга узатилган муаллифлик ишларини (учтадан кам бўлмаган) тақдим этишлари керак.

Танловга тақдим этиладиган материалларни қабул қилиш муддати 2005 йилнинг 30 августида якунланади. Мустақил экспертлардан ташкил топган комиссия танлов якунларини 2005 йилнинг 15 сентябригача эълон қилади.

Танлов ғолиблари бўлган журналистлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Батафсил маълумот олиш учун Урбан Институт/Тошкент, Фаррух Тўраевга мурожаат этинг. Телефонлар: 152-76-77, 152-77-02, 152-73-42. Факс: 152-76-78.
Электрон почта: FTuraev@ui.uz



«Ватан ғурури» танловига

***Ҳар қандай истеъдоднинг буюклик осмонида юлдузга айланиши учун тарбия керак, ҳимоя керак. Агар хоразмлик машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ истеъдодли Муҳаммадни учратиб, ўз тарбиясига олмаганида, бу кун закий дунё Абу Райҳон Беруний-дек алломага эга бўлармиди?! Улуғ устоз Алишер Навоий истеъдодли Камолиддинни ўз ҳимоясига олмаганида, бу кун жумлаи жаҳон Беҳзод чизган суратлардан ҳайратга тушиб, уни «Шарқ Рафаэли» дея шарафлармиди?! Шавкатли аждодларимизнинг истеъдодли ёшларни камолга етказиш борасидаги шонли анъанасига боғлиқ бу саволларга жавобни олис тарих саҳифаларидан эмас, балки ўзимиз гувоҳи бўлиб турган шукуҳли кунларимиздан излаган, Истиқлол нуридан, яхшилар меҳридан баҳра олиб юксакликка кўтарилган зукко авлод тилидан тинглаган мақсадга мувофиқдир.***

# Юлдузга айланган истеъдод

**2004** йил 13 июль куни дунё аҳли яна бир карра ўзбек халқининг чексиз интеллектуал салоҳиятига, Мустақил Ўзбекистоннинг залворли ғалабасига тан берди, бири-биридан қийин учрашувларда ўзбекона метин ирода ва юксак тафаккурни намойиш этиб, жаҳон шоҳмот тожини кийган Рустам Қосимжоновни шарафлади! Юртбошимиз Ислом Каримов ўз вақтида оддий спорт усталигига номзод Рустамга ғамхўрлик кўрсатмаганида, бу кун Қосимжонов шоҳмот султони бўлиб, жумлаи жаҳонни ҳайратга солармиди?! Бу саволга Рустамнинг ўзи 2004 йил 7 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган Ватаннинг юксак мукофотларини топшириш маросимида ғоятда самимий жавоб берди. Ўша кун Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур орденини кўксига таққан Рустам Қосимжонов сўз олиб, Президентимиз Ислом Каримовга ўз миннатдорлигини изҳор этди.

— Тўғрисини айтсам, Сиз ғамхўрлик кўрсатмаганингизда мен жаҳон чемпиони бўлмасдим. Шу боис чемпионлик олтин медали сизники, — деди Рустам ва Триполида ўтказилган жаҳон шоҳмот чемпионатида қўлга киритган олтин медалини Юртбошимиз кўксига тақиб қўйди.

Аслида, бу буюклик осмонида юлдузга айланган истеъдодларнинг уларга ҳаёт йўлларида ғамхўрлик кўрсатган йўлбошчиларига Рустам сиймосида билдирилган дил сўзлари, миннатдорлиги эди.

Рустам отаси меҳрига тўймади. Олти ойлигида отаси Машрук ака вафот этди. У онаси Меҳринисо опа меҳридан вояга етди. Зеҳнли бўлгани учун мактаб остонасига қадам қўймасдан анча олдин ўқиш-ёзишни ўрганиб олди. Китоб ўқиш унинг севимли машғулотларидан бирига айланди. Ҳатто боғчага; «Зериксам, масалаларини ечарман» дея Умида опасининг математика китобини олиб кетарди. Уйда эса «шоҳмот ўйнаймиз» деб Хуршид акасини ҳолижонига қўймасди. Мактабга боргач, меҳрибон мураббий Александр Грушевскийнинг шоҳмот машғулотларига қатнаша бошлади. Зийрак ва тиришқоқ Рустам мураббийга ёқиб қолди. Устоз-шогирднинг меҳнатлари нишона кўрсатди. 1990 йилда 11 ёшли Рустам 18 ёшлилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Афсуски, парвозга шайланган Рустамнинг қаноти қайрилди. У 1992 йилда айрим мутасаддиларнинг лоқайдлиги туфайли Осиё биринчилигига бора олмади... Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралда қабул қилган «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони айрим мутасаддиларнинг ана шундай лоқайдликларига узил-кесил барҳам берди ва Рустам каби истеъдодли ёшларга жаҳон дарвозаларини очди.

Энди Рустам тажрибали мураббий Сергей Пинчук ёрдамида бўлажак халқаро мусобақаларга хотиржам ҳозирлик кўрди ва 1994 йилда ўзига билдирилган ишончни оқлади: ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритди, Осиё биринчилигида ғолиб чиқди. Юртбошимиз ёш истеъдодни катта ғалаба билан табриклаб, унга компьютер совға қилди ва тўлақонли тайёргарлик билан халқаро мусобақаларда қатнашиши учун унга ҳомийлар бириктирди. Шу ғамхўрлик туфайли Рустам 1995 йилдан хориждаги халқаро мусобақаларда мунтазам равишда қатнаша бошлади, рейтинг очколари жамғарди. 1997 йил бошида Францияда ўтган халқаро мусобақада ғолиб чиқиб, илк бор гроссмейстерлик талабига мос очко тўплади. Май ойида эса, Ўзбекистон чемпионатида гроссмейстерлик талабини бажарди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг энг ёш чемпиони ва гроссмейстерини юксак ғалабаларга руҳлантириш учун энди унга янги замонавий компьютер туҳфа этди. Бундай эътибордан кўнгли ўсган Рустам Президентимизга: «Сизнинг ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлишга қаратмоқчиман», — дея ваъда берди ва кундалик машғулотлари ҳажмини 2-3 ҳисса оширди.

Ўтган йилларга назар ташлаб, Юртбошимизнинг Рустамни олий мақсад сари муттасил равишда руҳлантириб турганини кўриш мумкин. 1998 йил Рустам Қосимжонов «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. 1999 йил унга Президент совғаси топширилди. 2000 йил «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан мукофотланди. Рустам эса Юртбошимизнинг ҳар бир эътиборига ўзининг шоҳмотдаги янги ғалабалари билан ташаккурини билдирди. 1998 йилда Осиёнинг биринчи чемпиони бўлди, 1999 йилда ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди, 2000 йилда Ўзбекистон чемпионати ва бошқа нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқди, Халқаро шоҳмот федерацияси таснифида 13-ўринга кўтарилди. 2000 йил... Ҳар қандай одамнинг ҳаётида никоҳ тўйи ўчмас из қолдиради. Ана шундай кунда олинган кутилмаган совға эса бахтиёр ёшларнинг умр йўлларини ёритиб туради. Президентимизнинг Рустам ва Ферузанинг никоҳ тўйи куни уларга ўз туҳфасини жўнатиши бахтиёр гроссмейстеримизни чексиз руҳлантириб юборди. У 2002 йилда Ҳиндистонда ўтказилган жаҳон кубогида манаман деган гроссмейстерларни ортда қолдириб, фахрли иккинчи ўриндан жой олди. Бу Рустамнинг яқин келажакда жаҳон шоҳмот тожини кийишидан дарак эди.

«Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди Алишер» дея лутф этганди муҳтарам шоиримиз Абдулла Орипов. Шавкатли аждодларимизнинг муносиб вориси бўлган Рустам Қосимжоновнинг шоҳмот лашкарлари бугун бутун дунёни эгаллади, унинг ғалабаси сабаб озод Ўзбекистонимизнинг номи жумлаи жаҳонда яна бир карра мағрур жаранглади. Биз Рустамнинг ғалабаси билан қанча фахрлансак, шунча оз. Чунки бундай ғалабаларни миллатлар, давлатлар юз йиллаб кутишади. Беадад шукурки, шундай оламшумул ғалаба дунёни интеллектуал салоҳияти билан лол қолдириб келган бизнинг халқимизга, бизнинг Ўзбекистонимизга насиб этди.

Бир суҳбатда Рустам олис Триполи шаҳридаги ғалабасидан кейин биринчи бўлиб Президентимиз Ислом Каримовдан табрик телеграммаси олганини ҳаяжонланиб гапириб берганди ва ўзи ҳам биринчи бўлиб Юртбошимизга миннатдорчилик мактуби ёзишга киришди. Рустамнинг Президентимизга йўллаган миннатдорлик мактубидаги самимий дил сўзлари ҳар биримизнинг қалбимиздаги ифтихор туйғуларини туғёнга келтирди: «...Сизга бир неча йил олдин ўзингиз совға қилган компьютерда ёзган хатимда берган ваъдамни бажарганимдан беҳад хурсандман. Мен бу ютуқни устозларимнинг меҳнати ва, албатта, Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигингиз натижаси, деб биламан. Ва бу менга доимо куч-қувват беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шоҳмот тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди, деб ҳисоблашингизни сўрайман».

Шукуҳли кунларга шукуҳли кунлар уланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, ўзининг оламшумул ғалабаси билан миллатимиз, мустақил давлатимиз шуҳратига-шуҳрат қўшган Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан мукофотланди. Бу мукофот эндигина 25 ёшини нишонлаган Рустамга бўлажак масъулиятли мусобақаларда куч-ғайрат бағишлайди.

Вақт ғилдираги тўхтаб турмайди. Рустамнинг ғалабаси ҳам Ватанимиз шонли тарихининг зарҳал саҳифасидан жой олди. Президентимиз таъкидлаганидек, «оддий бир ўзбек оиласида, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида таваллуд топган, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар, айни пайтда шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, бутун дунёни ҳайратда қолдирган, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистоннинг шону шуҳратини юксак даражага кўтарган бу инсон бугун барчамизнинг ғурур ва ифтихоримизга айланган.

Абу Райҳон Берунийдай, Камолиддин Беҳзоддай, Рустам Қосимжоновдай истеъдодларни тарбиялаб, буюклик осмонида юлдузга айлантирган юртимизда янги-янги ёш қобилият эгалари бўй кўрсатяпти. Уларни ўз вақтида илғаш, авайлаб вояга етказиш бутун миллатимизнинг, халқимизнинг ўтган шавкатли аждодларимиз, келажак закий авлодларимиз олдидаги муқаддас вазифасидир. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига қатъий ишонамиз.

**Асрор МЎМИН.**


ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ · STATE COMMERCIAL PEOPLE-BANK · BANK

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

7162R/186

Пахта линтини қайта ишлайдиган истеъмолчилар ва корхоналар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ

**2005 йил 3 февраль куни соат 15.00да республика истеъмолчиларига миллий валютага пахта линтини сотиш бўйича «Кимошди» савдоларини ўтказади.**

Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган куни соат 10.00 дан Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 53-«А» бинода (Давлат мулки қўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади. Ҳудудий «Пахтасаноат» уюшмалари томонидан қўйилган пахта линти миқдори, сорти, типи ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржасидан, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

87Н/153

**Маълумот учун телефон: 139-83-88, факс: 139-22-27.**

Организация реализует со склада в Ташкенте:

**КАБЕЛЬ**

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т. д.)

(ААШВ, (АСБл)-10 от 3 х 95 до 3 х 240)

**ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ** (Ячейки, трансформаторные подстанции, дизель-генераторы)

**СВЕТИЛЬНИКИ** (ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т. д.)

**ЛАМПЫ**

Производство сертифицировано по ISO 9001:2000

- ✓ Люминисцентные (ЛД, ЛБ)
- ✓ Ультрафиолетовые люминисцентные (ЛУФ)
- ✓ Цветные люминисцентные (ЛЗ)
- ✓ Натриевые лампы высокого давления (ДНАТ)
- ✓ Ртутные высокого давления (ДРЛ)
- ✓ Металлогалогенные (ДРИ)
- ✓ Лампы накаливания общего применения (ЛОН)
- ✓ Стартеры 80-220-1

Товар сертифицирован

107R/133

700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29 д.
Дом быта "Узбекистан", 5-й этаж.
Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

Возможны контрактные поставки из ближнего и дальнего зарубежья по вашему заказу.



ҲАРАКАТ плюс

**Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар**

**ишлаб чиқаради ва сотади.**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.

Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.

e-mail: harakat_2004@mail.ru

КАФОЛАТ 2 йил.

Маҳсулот сертификатлаштирилган.


## Коллежда малака ошириш маркази

Бешкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган кичик цехнинг ветеринария ва зоотехника лабораторияларини жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бу ишлар «Коллеж ўқитувчиларининг малакасини оширишни такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида Япониянинг «Ogowa Slikie Ltd.» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ҳозиргача хорижий компания лабораториялар учун жиҳозлар ва «Nissan» русумли кичик автобус етказиб берди. Келажакда бу ерда коллеж ўқитувчилари малакасини ошириш маркази ташкил этилиб, нафақат Қашқадарё, балки қўшни Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари коллеж ўқитувчилари учун ҳам тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

*қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича*

*танлов савдолари эълон қилади:*

1. Андижон шаҳар, А.Чўлпон кўчасидаги марказий универмаг ва супермаркет биносини қайта таъмирлаш.

***Таъмирлаш ишларини тугаллаш муддати — 175 кун.***

2. Асака тумани, Қадим қишлоғи, «Ғалаба» ширкат хўжалигида ҚВП қурилиши.

***Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 90 кун.***

*Буюртмачи — Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Тел.: 25-25-61, 24-33-72). Қурилиш ишларини молиялаштириш 2005 йил манзил рўйхатига асосан марказлашган давлат капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилида ўтказилади.*



**Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш бўйича**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ**

2004 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдоси натижасига кўра, қуйидаги паст рентабелли давлат корхонаси инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторга бепул берилганлигини маълум қилади:

| № | Корхона номи | Манзили | Давлат улуши | Инвесторнинг таклифлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик) | Инвестиция мажбуриятлари ҳажми (млн.сўм) | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 22-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колонна (СПМК-22) | Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 3-уй | 100 | Фаолият турини сақлаб қолиш | 400,0 | 2 |

**Маълумот учун телефонлар: 133-22-98, 133-39-57.**


## Пахтачида янги стадион

Пахтачи туманидаги Султонобод қишлоғида янги стадион қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилди.

Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида барпо этилган мажмуада волейбол, баскетбол, теннис майдончалари, кураш зали, мураббийлар ва ўсмирлар хоналари ҳам мавжуд.

Спорт мажмуасини «Чинор» ширкат қурилиш трестига қарашли 7-шўъба корхонаси бунёдкорлари барпо этишди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎзР ФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш Маркази жамоаси фотобиотехнология ва сувўтлар биокимёси лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори Хурсанали Бердиқуловга волидаи муҳтарамаси **РАВЗАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви компания ижро аппаратининг бош мутахассиси Шукур Жалиловга падари бузруквори **ТИЛАВ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари Госпитал жарроҳлиги кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Ҳикмат Игамбердиевга қизи **ШАҲНОЗАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Ишлар бошқармасининг бошлиғи **Холид НАРЗИКУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви жамоаси бошқарув раисининг ёрдамчиси Алишер Абдуллаевга отаси **Шоназар АБДУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Иқтисодий тадқиқотлар маркази жамоаси марказ ходими Абдусамат Маликовга онаси **Миновар САИДКАРИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 20.30 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5